

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 86 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Статистика ишларини ташкил этишни бошқариш тузилмасини янада такомиллаштириш, давлат статистика органларига ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этишни ва тизимларнинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисининг режим бўйича ўринбосари лавозимини тугатиб, раиснинг ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратининг 1-иловага мувофиқ янги тузилмаси тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 8 январдаги 8-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 13 февраль,  
36-сон

Вазирлар Махкамасининг  
2013 йил 13 февралдаги 36-сон қарорига  
1-ИЛОВА

86-модда

### Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси марказий апаратининг ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимлари — 249 киши.

— 8 —

7 (559) -сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2013 й.

**7 (559)-сон**

**— 9 —**

**86-87-моддалар**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2013 йил 13 февралдаги 36-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси  
Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш  
тўғрисида» 2003 йил 8 январдаги 8-сон қарорига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг учинчи хатбоши ва қарорга 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
2. 2-бандда:  
биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;  
иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда биринчи, иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.